

Усмоний даврига мансуб Куръони Каримнинг жуда нодир нусхаси Риёз шахридаги Арабистон миллий музейида кўргазмага кўйилади.

«alyaum» ахборот сайти хабар беришича, Россия Эрмитаж музейи Риёз миллий музейида кўргазма ўтказиш билан Усмоний даврига мансуб Куръони Карим нусхасини намойишга кўймокчи бўлаётир.

Бу кўргазмада, шунингдек, Риёз музейидаги Якин ва Ўрта Шарк мамлакатларидан топилиб, таъмирланган тарихий экспонатлар хам намойишга кўйилади.

Бу борада маълумот берган Россия Эрмитаж музейининг директори Михаил Биотровскийга кўра, Риёз миллий музейида Усмоний даврига мансуб Куръон нусхасини намойишга кўйиш учун Россия фанлар академияси кошидаги Шарк тадкикотлари маркази билан музокара ўтказилади.